



ХУКУМАТИМИЗ ТОМОНИДАН СОЛИҚ МАЪМУРЧИЛИГИ БЎЙИЧА 2018-2022 ЙИЛЛАРДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН СОЛИҚ ИСЛОҲОТЛАРИ НАТИЖАЛАРИ

Нормурзаев Умид Холмурзаевич фан доктори (DSc)
*Давлат солиқ қўмитаси Иурик солиқ тўловчилар бўйича
ҳудудлараро давлат солиқ инспекцияси бош инспектори*
DOI: https://doi.org/10.55439/EIT/vol10_iss5/a35

Аннотация

Мамлакатимизда солиқ соҳасини такомиллаштириш борасида кенг қўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, солиқ ва йиғимларнинг йиғилувчанлигини ошириш ҳамда имтиёзларни тақдим қилиш борасидаги муаммоларнинг мавжудлиги солиқ маъмуриятчилигини тўдан такомиллаштиришни тақозо қилмоқда. “Миллий иқтисодиётни ривожлантириш, солиқ соҳасида қўшилган қиймат солиғини амалдаги 15 фоиздан 12 фоизгача, телекоммуникация, банк ва молия каби соҳаларда фойда солиғини амалдаги 20 фоиздан 15 фоизгача тушириш ҳамда хизмат соҳасидаги тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида, янгидан ташкил этиладиган савдо комплекслари ва меҳмонхоналар учун мол-мулк солиғи ва ер солиғи бўйича имтиёзлар бериш”¹ каби вазифалар белгилаб берилди.

Калит сўзлар: бюджет сиёсати, инқироз, бюджет, солиқ имтиёзлари, солиқ маъмуричилиги, тадбиркорлик субъектлари, солиқ ҳисоботи, солиқ тушумлари, солиқ имтиёзлари, солиқ, солиқ ставкаси, преференциялар.

Abstract

Large-scale reforms are being implemented in our country to improve the tax sector. In particular, the existence of problems related to increasing the collection of taxes and fees and the provision of benefits requires a fundamental improvement of the tax administration. “In order to develop the national economy, reduce the value-added tax in the field of taxation from the current 15% to 12%, the profit tax in the fields of telecommunications, banking and finance from the current 20% to 15%, and support entrepreneurs in the service sector, funds for newly established shopping complexes and hotels Tasks such as giving concessions on property tax and land tax” were defined.

Keywords: budget policy, crisis, budget, tax benefits, tax administration, business entities, tax reporting, tax revenues, tax benefits, taxes, tax rates, preferences.

Кириш

Солиқ имтиёзлари самарадорлигини мониторинг ва назорат қилиш бўйича таъсирчан тизимни жорий этиш орқали имтиёзларнинг солиқ тўловчининг молиявий фаолиятига таъсирини таҳлил қилиш ҳамда самарасиз ва мақсадсиз берилган солиқ ҳамда божхона имтиёзларини бекор қилиш бўйича бир қанча меъерий-ҳуқуқий ҳужжатлар тасдиқланиши, шу жумладан Солиқ кодексининг тегишли моддаларига ўзгартириш ва қўшимчалар кирилмоқда. Солиқ имтиёзларини ҳисобга олиш бўйича

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони.

махсус маълумот базаларида, шунингдек, уларни қўллаётган юридик ва жисмоний шахслар тўғрисидаги маълумотларнинг сифатини таҳлил ва назорат қилиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб ҳисобланади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Е. Беккер эса солиқ тўловчилар давлат бюджетига солиқ тўламасликка интилиш сабабларини ўрганган ҳамда солиқдан қочишга қарши курашиш орқали давлат бюджети даромадларини ошириш йўллари кўрсатиб берган [1].

Незамайкин ва Юрзиновалар (2004) —солиқ имтиёзи – бошқа тўловчиларга нисбатан солиқ тўловчиларга солиқ тўловчиларнинг алоҳида тоифаларига солиқ қонунчилигида кўзда тутилган афзалликларнинг, жумладан, солиқ ёки йиғимини тўламаслик ёки кичикроқ ҳажмда тўлаш имкониятининг берилиши дейди [2].

Майбуров (2011) солиқ имтиёзларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда солиқ тўлаш муддатини ўзгартириш бўйича имтиёзлар олишга имкон берувчи имтиёзлар ҳамда улар бир нечта шаклларга ажратилади: солиқ кредити, инвестицион солиқ имтиёзи, солиқ таътили [3].

А.В.Брызгалиннинг қарашича: солиқ юки - бу умумлаштирувчи кўрсаткич бўлиб, солиқ йиғимларининг умумий суммасини жами миллий маҳсулотга нисбати билан аниқланади [4].

В.Г.Пансков ва В.Кынязевнинг фикрича, мамлакат даромадида, солиқ юкини аниқлашда тўланган солиқлар суммасини ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)га нисбати кўрсаткичи қўлланилади [5]. Солиқ-божхона сиёсатини юритиш методологияси эса – солиқ-божхона сиёсатини ишлаб чиқиш учун зарур ҳолатни таҳлил қилиш, йўналишларни ишлаб чиқиш ва асослаш, самараларини ва ҳавф-хатарларни баҳолаш, давлат бюджети даромадлари ва солиқ юкига таъсирини солиштириш ва шу билан боғлиқ бошқа тадбирлар учун тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот методологияси

Ушбу мақолада қиёсий таҳлил ҳамда индукция ва дедукция баҳолаш усулларида фойдаланилди. Қиёсий усулдан фойдаланилиб, солиқ маъмурчилигига доир маълумотлар ва уларни таҳлиллар амалга оширилиб илмий хулосалар берилди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси

Республикада адолатли, шаффоф, узоққа мўлжалланган ва халқаро андозаларга жавоб бера оладиган солиқ тизимини яратишга қаратилган солиқ ислохотлари иқтисодий, ҳуқуқий жиҳатдан ҳар томонлама асосланган ҳамда солиқ тўловчилар учун қўлай ва манфаатли эканлигини кўрсатмоқда.

Биринчи навбатда, тадбиркорлик субъектлари ва инвесторлар фаолиятини солиқ соҳасида кафолатлашнинг ҳуқуқий асоси яратилиб, янги солиқ концепцияси, Солиқ кодекси ва 150 дан ортиқ қонун, фармон, қарор ва бошқа меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди.

Тенг рақобат шароитини яратиш мақсадида 80 дан ортиқ турли солиқ имтиёзлари бекор қилинди. Индивидуал имтиёзлар бериш амалиётидан воз кечилди.

Солиқ юкини кескин пасайтириш мақсадида- товар айланмасидан 3,2 фоиз миқдорда олинадиган ажратмалардан воз кечилди, мулк солиғи ставкаси 5 фоиздан 1,5 фоизга пасайтирилди, ҚҚС ставкаси 20 фоиздан 15 фоизга ва ягона ижтимоий тўлов ставкалари 25 фоиздан 12 фоизга туширилди. Солиқ турлари 13 тадан 9 тага камайтирилди ва иш ҳақиға солиқ юки қарийб 2 баравар пасайди.

Солиштириш учун: Европа давлатлари Швецияда даромад солиғи ставкаси 56,9%, Англияда 20-45%, Данияда 55,6%, Испанияда 45%, ҚҚС ставкаси Дания, Норвегия, Швецияда — 25 %, Финляндияда — 24%, Венгрияда — 27 %, Россия, Беларусь ва Украинада — 20 % ташкил этган.

Тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга қаратилган умумий тарзда берилган энгилликлар ва имтиёзлар натижасида 2019-2022 йилларда уларнинг ихтиёрида 146,1 трлн.сўм маблағ қолди (республиканинг 2018 йилдаги солиқ тушумлари даромадидан 2,7 бараварга кўп).

Солиқ юкининг тенг тақсимланиши натижасида ҚҚС тўловчилари сони 18 бараварга, акциз солиғи тўловчилар 8,5 баробарга, фойда солиғи тўловчилари 19,2 бараварга, сув солиғи тўловчилари 16,6 бараварга ва ер солиғи тўловчилари 6,4 бараварга кўпайди (Хорижий сармоядорлар улушида ташкил этилган корхоналар сони 4 йилда 2,6 бараварга кўпайиб 13,2 мингтадан ошди. Трансхалқаро компаниялардан Google, Apple, Samsung, Huawei, Facebook, Яндекс каби 31 та интернет-компаниялари Ўзбекистондаги фаолиятлари бўйича солиқ тўловчи сифатида рўйхатдан ўтди).

Ташқи меҳнат миграцияси ва ўзини ўзи иш билан банд қилган фуқароларни ижтимоий ҳимоялаш институти яратилиб, расмий рўйхатдан ўтганлар сони қарийб 1,9 млн.га етди.

Ушбу чора-тадбирларни амалга оширилиши ўз навбатида солиқ тушумларининг ошишига ижобий таъсир кўрсатиб, 2018 йилга нисбатан 2022 йилда тушумлар 2,8 бараварга ўсди. (Жумладан 2020 йилги пандемия даврида ҳам олдинги 2019 йилга нисбатан 1,2 бараварга ўсди).

Маълумот учун: Солиқ тушумларининг эластиклик коэффициенти 2,02 бўлиб, солиқ тушумларининг ўсиши ЯИМ ўсишига нисбатан номинал кўрсаткичда юқори бўлди. 2018-2022 йилда ЯИМ 424,7 трлн.сўмдан 840,0 трлн.сўмга ёки қарийб 2,0 бараварга, ошган бўлса, солиқ тушумлари 54,2 трлн.сўмдан 152,9 трлн.сўмга етди ёки 2,8 бараварга ошди.

Солиқ тушумларининг ЯИМдаги улуши 2018 йилда 10,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2022 йилга келиб ушбу кўрсаткич 16,9 фоизни ташкил этиши кутилмоқда.

Жорий йилда кутилаётган даромадларнинг асосий қисми 48,2 фоизи (66,5 трлн.сўм) бевосита солиқлар, 33,9 фоизи (46,7 трлн.сўм) билвосита солиқлар ҳамда 17,8 фоизи (24,6 трлн.сўм) ресурс солиқлари ҳисобига тўғри келмоқда.

Қўшилган қиймат солиғи бўйича 2022 йилда кутилаётган тушум 33,1 трлн. сўмни ташкил қилиб, 2018 йилга нисбатан 19,3 трлн.сўмга ёки 2,4 баробарга, ўтган йилга нисбатан эса 7,5 трлн.сўмга ёки 1,3 баробарга ошиши кутилмоқда.

Бунда, иқтисодий ўсиш, қўшилган қиймат солиғидан самарасиз имтиёзларнинг бекор қилиниши, солиқ тўловчилар сонининг ортиши орқали солиқ базасининг кенгайтирилиши, солиқ - божхона маъмуриятчилигининг такомиллаштирилиши ҳамда импорт ҳажмининг ўсиши ҳисобига ҚҚС тушумлари ўсиши таъминланади.

Маълумот учун айтиш жоизки, 2022 йил 1 сентябрь ҳолатига ҚҚС тўловчилар сони 151,1 мингта субъектларни ташкил этди ёки ўтган йилга нисбатан 13 мингтага ошди.

Қўшилган қиймат солиғининг белгиланган тартибда қайтариб берилиши натижасида, 2022 йилда солиқ тўловчиларга 16,1 трлн.сўм (келиб тушган маблағларнинг 22,4 фоизи) қоплаб берилиши кутилмоқда ёки 2021 йилга нисбатан

қарийб 2 трлн.сўмга кўп маблағ қайтарилди. (2021 йилда 14,4 трлн. сўмни ташкил қилган ёки келиб тушган маблағларнинг 27,3 фоизи).

Қўшилган қиймат солиғининг жами тушумдаги улуши 2018 йилда 25,3 фоизни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2019 йилда 28,4 фоизни, 2020 йилда 19,8 фоизни, 2021 йилда 20 фоизни ва 2022 йилда 21 фоизни ташкил этмоқда. Ўтган йилларга нисбатан 2020 йилда ҚҚС бўйича тушум миқдорининг жами тушум улушидаги камайишини солиқ ставкасининг 20 фоиздан 15 фоизга туширилиши билан изоҳлаш мумкин. Шунингдек, жорий йилда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича кутилаётган тушумлар 2018 йилга нисбатан 16,6 трлн.сўмга ёки 3,2 баробарга, ўтган йилга нисбатан 5,1 трлн. сўмга кўпайиб, 24,1 трлн. сўмни ташкил этади.

Тушумлар кўпайиши асосан иш ҳақи миқдори 12 фоизга ўсганлиги натижасида ўтган йилга нисбатан 27 фоизни ташкил этиши кутилмоқда.

Шунингдек, аҳолини тадбиркорлик фаолиятига янада кенг жалб қилиш ва меҳнат фаолиятини қонуний амалга ошириш учун қўшимча шароитларни яратилганлиги ҳисобига солиқ тўловчилар сонининг ошиши ҳам тушумлар кўпайишига ижобий таъсир кўрсатган.

Маълумот учун қайд этиш жоизки, 2022 йилнинг июнь ойи якунларига кўра, аҳолини расмий равишда рўйхатдан ўтиб қонуний ишлайдиган қисми 5 299,4 минг кишини ташкил этиб, 2021 йил июнь ойига нисбатан 427,2 минг кишига ортган. Ресурс солиқлари бўйича жорий йилда кутилаётган тушумлар 24,6 трлн. сўмни ташкил этиб, 2018 йилга нисбатан 12,1 трлн.сўмга ўсиши, ўтган йилга нисбатан эса 1,6 трлн. сўмга ўсиши кутилмоқда.

Жумладан, Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ бўйича 2022 йилда кутилаётган тушум 14,5 трлн. сўмни ташкил этиб, 2018 йилга нисбатан 6,2 трлн.сўмга ошган бўлса, 2021 йилга нисбатан 1,3 трлн. сўмга камайиши кутилмоқда.

Бунинг асосий сабаби, ер қаъридан фойдаланганлик учун НКМК ва ОКМКга олтин учун белгиланган солиқ ставкасини 15 фоиздан 10 фоизгача пасайиши ҳисобига юз беради. Солиқ ставкасини пасайтирилишидан йўқотишлар дивиденд ҳисобидан қопланиши кутилмоқда.

Шунингдек ДСҚ ҳузуридаги Йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро давлат солиқ инспекциясида Давлат солиқ хизмати органларида 2019 йилдан бошлаб 163 та штат бирлигига эга Йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро давлат солиқ инспекциясини ташкил этилди. Хизмат кўрсатишнинг марказлашган тизими соҳалар бўйича белгиланган, бугунги кунда солиқ тўловчилар сони 1 200 тани ташкил этади.

Бундан ташқари инспекциянинг ташкил этилиши билан солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатиш, солиқ маъмурчилигининг сифати ошиши натижасида бюджетга тушадиган маблағлар миқдори 2022 йил якуни билан 91,5 трлн.сўм тушиши, 2019 йилга нисбатан 2 баробарга кўпайиши таҳлил қилинмоқда.

Солиқ маъмуриятчилигини рақамлаштириш асосида қонунчиликка риоя этиш ва маъмурий харажатларни камайтириш, кўпроқ даромадларни самаралироқ йиғиш, шаффофлик ва солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатишни яхшилаш ҳамда катта маълумотлар оқимини мослаштириш долзарб вазифалиги кўрсатмоқда. Солиқ органларида ахборот-технологиялари соҳасида ҳам сезиларли даражада ижобий ўзгаришларга эришилди. Жумладан 2022 йил 1 январдан солиқ маъмуриятчилигини

такомиллаштирилганлиги, “кэш-бэк” тизимини жорий этилганлиги ҳамда жамоатчилик назоратини фаоллашганлиги тушумларга ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, “кэш-бэк” ва “солиқ ҳамкор” назорати онлайн касса машиналари орқали айланмани 2021 йилга нисбатан 1,6 баробар ошириш имконини берди. Хусусан, жорий йилнинг ўтган январ-август ойларида “Soliq” мобил иловаси орқали суммаси 535,6 млрд.сўмлик 105,1 мингта чек рўйхатга олинган бўлиб, 84,5 мингта чек бўйича 494,5 млрд.сўмлик кэш-бэк ҳисобланиб, шундан 80,3 мингта чек бўйича 425,5 млрд.сўм харидорларга тўлаб берилган.

Шунингдек, жорий йил 1 сентябрь ҳолатига жами 188,8 мингта тадбиркорлик субъектларига тегишли 224,8 мингта онлайн НКТлардан 465,5 млн та чек урилган. Савдо ҳажми 113,5 трлн.сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан чек сони 204,9 млн тага (179 %), савдо ҳажми 42,9 трлн.сўмга (161 %) ўсди.

Шу сингари, ЭҲФнинг жорий қилиниши натижасида товар айланмаси 2022 йилда 2019 йилга нисбатан 6,0 баробарга ошишига эришилди. ҚҚС занжиридаги узилиш (tax.gap) суммаси жорий йилнинг январ ойида 25,9 трлн сўмни ёки 0,37 фоизни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич август ойида 32,7 трлн.сўмни ташкил этиб 0,15 фоизга тўғри келган.

Жорий йилнинг ўтган даврида “E-ijara” электрон тизими орқали расмийлаштирилган жами 9 494,4 млрд.сўмлик 1934,6 мингта шартнома бўйича 2022 йил якуни билан 525,8 млрд.сўмлик тушим кутилмоқда. Маҳсулот (товар ва хизматларнинг) ягона электрон миллий каталогига (tasnif.uz) тизими орқали бугунги кунда 259972 та товарларнинг МХИК кодлари шакллантирилди.

Мамлакатимизда солиқ тизимини янада такомиллаштириш, иқтисодиётда хуфиёна айланмани қисқартириш ва Ўзбекистон Республикаси солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепциясининг асосий йўналишларини амалга оширилмоқда. Жорий йилнинг 1 сентябрь ҳолатига Солиқ хавфини аниқлаш, таҳлил қилиш ва баҳолаш автоматлаштирилган дастури орқали 46 268 та корхоналарда 7 593,4 млрд.сўмлик солиқ хавфи аниқланди.

Хусусан,

-солиқ хавфи юқори деб баҳоланган (1 595,9 млрд.сўм) 1 642 та корхоналарга солиқ аудити тайинланган, шундан 559 тасига 2 015,3 млрд сўм қўшимча солиқлар ҳисобланиб, 691,1 млрд.сўми ундирилди;

- солиқ хавфи ўрта деб баҳоланган (5 599 млрд.сўм) 21 685 та корхоналарда камерал солиқ текшируви ўтказилмоқда, дастлабки текширувларга мувофиқ 17 052 та субъектда текширув якунланиб, 2 944,1 млрд.сўм қўшимча солиқлар ҳисобланган ва 713,0 млрд сўми ундирилди;

- шунингдек, 397,8 млрд.сўм солиқ хавфи мавжуд 22 941 та корхоналарга камчиликларни текширувларсиз бартараф этиш учун амалий ёрдам кўрсатилди.

Бундан ташқари, 483 та субъектда сайёр солиқ текшируви ўтказилган бўлиб, текширув натижасида 57 729,9 млн.сўм қўшимча солиқ ҳисобланган ва 19 597,2 млн сўми ундирилган.

Шунингдек, жорий йилнинг январь-август ойларида “Автокамерал” автоматлаштирилган ахборот тизими орқали камерал солиқ текширувлардан олдинги таҳлилларда ва текширув жаранида аниқланган тафовутлар юзасидан 48,4 мингта субъектлар ихтиёрий равишда аниқлаштирилган солиқ ҳисоботларини тақдим этиб,

бюджетга қўшимча 3 579,6 млрд.сўмлик солиқлар ва йиғимлар ҳисобланган бўлса, шунга кўра, хато ва камчиликларни мустақил бартараф этган субъектларга нисбатан 715,0 млрд.сўмлик молиявий жарималарни қўллашнинг олди олинди. “Солиқ ҳамкор” жамоатчилик назорати тизими орқали келиб тушган мурожаатлар асосида 50 мингта субъектда солиқ текширувлари ўтказилган ва 41,7 мингтасига жами 137,9 млрд сўмлик молиявий жарималар ҳисобланиб, шундан 127,9 млрд сўми ундирилган. Шунингдек, солиқ тўловчилар енгилликлар яратиш мақсадида “солиқчи кўмакчи” тамойили асосида бугунги кунда Давлат солиқ қўмитаси томонидан 50 тага яқин интерактив хизматлар ишлаб чиқилди [6].

Солиқларни ихтиёрий тўлаш даражаси 83 фоиздан 95 фоизга чиқарилди. Яширин иқтисодиётни жиловлаш ҳисобига солиқ базасини кенгайтириш мақсадида, замонавий солиқ маъмурчилининг янги инструментлари - Электрон ҳисобварақ-фактуралари, онлайн назорат касса машиналаридан фойдаланиш, товарларни маркировкалаш, электрон шартнома тизимлари жорий этилди. Солиқ органлари ходимларининг фаолият самарадорлигини баҳолаш (KPI) мезонлари ишлаб чиқилиб, рағбатлантиришнинг янги тизими жорий этилди.

Хулоса ва таклифлар

Солиқ кодексининг 480²-моддаси 2 ва 3 бандларни қўйидаги бандни киритиш лозим. Яни тадбиркорлик субъектлари томонидан ходимлар сонини ва иш ҳақи жамғармасини яшириш ҳолатлари аниқланганиб, молиявий санкциялар қўлланилганда мазкур солиқ имтиёзининг амал қилиши тўхтатилиши лозим.

Давлат улуши 50 фоиз ва ундан юқори бўлган хўжалик жамиятлари ҳамда уларнинг 50 ва ундан юқори фоизлардаги улушида таъсис қилинган корхоналари томонидан давлат, шунингдек таъсисчиси улуши доирасида фойданинг камида 50 фоизини ҳар чорақда тўлаб берилишини қонунчиликда белгилаб қўйиш. Тўғридан-тўғри давлат улуши (50 фоиздан юқори) мавжуд бўлган корхоналарнинг давлат улушини бошқа давлат иштирокидаги корхоналар муассисилигига ўтказиш амалиётига чек қўйиш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Брызгалин А.В. «Налоговая оптимизация: принципы, методы, рекомендации». -М.: 2002. С.54.
2. Незамайкин В.Н., Юрзинова И.Л. (2004) Налогообложение юридических и физических лиц. –М.: Экзамен, С.44.
3. Майбуров И.А. (2011) Налоги и налогообложение. Ред. 4-е изд. - М: 558 с.
4. Пансков В., Кынязов В. «Налоги и налогообложение». Учебник. -М.: МСФЕР. 2003.С.61.
5. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари. www.soliq.uz.